ўзССР Давлат китоб палатаси
Инв. 260,1 96

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

21 январь, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 16 (1018)

ИСЛОҲОТДА ТУБ БУРИЛИШ ЯСАГАН ФАРМОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чиққанига бир йил бўлди.

1994 йил 21 январда қабул қилинган ушбу тарихий ҳужжатнинг шарофати туфайли мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар юқори босқичга кўтарилди, ҳар бир ишбилармон ва тадбиркорга кенг имкониятлар очилди, жаҳон бозорига чиқиш йўлимиз кенгайди, эски маъмурий-буйруқбозлик замонидан қолган тўсиқларни эса бирмунча бартараф этишга эришдик. Газетамизнинг биринчи ва иккинчи саҳифаларида эълон қилинаётган материаллар шулар хусусида.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг «Тиссен Хандельсунион АГ» концерни бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер бошчилигидаги мазкур концерн вакилларини қабул қилди.

Ислом Каримов германиялик ишбилармонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаб, дунёга машҳур «Тиссен» концерни билан нефт ва газ, тоғ-кон саноати ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжудлигини айтди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

Ханс Грубер самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистоннинг бир неча вазирлик ва муассасалари вакиллари билан оғир саноат, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка оид музокаралари самарали бўлганини айтди. У ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳам германиялик тадбиркорлар каби синчков ва омилкор эканини қайд этиб, бу келгуси режаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, Ю. Пайгин иштирок этди.

Қабул чоғида Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлар!

Яқинда Ўзбекистонга ташрифим чоғида Сиз билан учрашишимга имконият яратганингиз, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи масалаларни муҳокама қилишга вақтингизни аямаганингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман.

Суҳбатимиз пайтида Ўзбекистон бундан буён ҳам бозор иқтисодиёти йўлидан ривожланишига, сиёсий, молиявий ва ижтимоий барқарорликка, шунингдек мустаҳкам қонуний негизга алоҳида эътибор беришига Сизнинг ишончингиз комил эканига тўла қаноат ҳосил қилдим.

Сизнинг мамлакат энергия ресурслари ва донни четдан келтиришни камайтириб, иқтисодиётни, айниқса энергетика мажмуи ва қишлоқ хўжалигини мустаҳкамлаш йўлида кўраётган чора-тадбирларингизни яхшироқ тушуниб олиш имкониятига ҳам эга бўлдим. Бюджет-молия ва пул-кредит сиёсатини яхши йўлга қўйиш орқали миллий валютани мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган чоралар қатъий иқтисодий сиёсатнинг далилидир. Бу чоралар ислоҳотлар дастури муваффақиятли бажарилиши учун мустаҳкам асосни вужудга келтириши шубҳасиз.

***Сиз билан ва бошқа раҳбарлар билан суҳбатим ислоҳотлар дастури қандай бажарилаётганини ҳам, Ўзбекистон иқтисодиётининг салоҳиятини ҳам ижобий баҳолашимга ёрдам берди.** Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланганини тасдиқловчи мактубингизни олиб, хурсанд бўлдим. **Деярли 230 миллион доллардан иборат тиклаш заёми ва пахта лойиҳасини амалга ошириш учун заём бўйича музокараларнинг ниҳоясига етиши Жаҳон банки томонидан мадад бериш дастурини кенгайтириш учун асос бўлишига ишонаман. Бу дастур Ўзбекистон иқтисодиётини ўзгартириш учун катта сармоя талаб қилинадиган яқин тўрт-беш йил давомида ҳар йили уч юз миллион доллардан кўпроқ миқдорда 3-4 заёмдан иборат бўлиши мумкин.** Тиклаш заёмига доир ишларнинг якунланиши ва режалаштирилаётган маслаҳат гуруҳининг учрашуви ҳам хорижий сармоядорларга Ўзбекистон салоҳиятини намойиш этишга ёрдам беради. Келишиб олганимиздек, корхоналарни хусусийлаштириш ва ислоҳ қилиш ислоҳотлар дастурини мувваффақиятли амалга оширишнинг негизи бўлиб, банк шу масалалар юзасидан молиявий ёрдам беришга ва маслаҳатлари билан мадад кўрсатишга тайёрдир.*

Сизга энг яхши истаклар билан,

Юкон ХУАНГ,
Жаҳон банки Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича III департаменти директори.

• Нуқтаи назар

СЕНДАН — ҲАРАКАТ, МЕНДАН— БАРАКАТ

Шу кеча-кундузда 1994 йил натижалари ғалвирга солиниб, эришилган ютуқлар асосида 1995 йилнинг вазифалари белгилаб олинмоқда. Аммо бу жараён аввалгиларидан кескин фарқ қилади.

Локал мулкка, мулкдорга ва айни пайтда давлат мулкига янгича муносабатлар масаласини олиб кўрайлик. Атиги бир-икки йил олдин мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкни қўллаб-қувватловчи тизимлар ва қонунларни яратиш ҳақида гапирилганда бунга ажабланиб қаровчилар сони кўпчиликни ташкил этар эди. Энди эса иқтисодий ҳаётимизда мулкдорларнинг овози тобора баландроқ эшитилмоқда. Сармоядорлар савдо ва маиший хизмат соҳасини тўла қўлга олишга киришди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириб, истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари билан тўлдираётган ишбилармонлар ҳам кўпайиб қолди. Бундай ижобий эврилишга сабаб битта: давлатнинг ўзи бош ислоҳотчилик вазифасини муваффақиятли бажармоқда. Фикримизнинг далили сифатида 1994 йил 16 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлисида таъкидланган мустақиллик даври сиёсатининг асосий натижаларини эсга олиш кифоя. Булар:

— янги Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши — давлат тузумимиз қонуний асосларининг барпо этилиши, қабул қилинган янги қонунлар, низомлар ва бошқа қонуний ҳужжатларнинг ишлаб боғланганлиги;

—бошқарув аппарати, давлат тизимлари-вазирликлар, ташкилотлар, корхоналарнинг бозор шароитида самарали ишлашга мувофиқлаштирилиши;

— бозор инфраструктураси барпо этилгани, яъни банк, молия, солиқ соҳаларида тегишли ўзгаришлар бўлгани;

— миллий валютамизнинг муомалага киритилиши ва унинг қадрини мустаҳкамлашга доир тадбирлар ишлаб чиқилгани;

— қуйи поғонадаги корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар ва бошқа ишлаб чиқариш тузилмаларига эркинлик берилиб, уларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши;

— мамлакат иқтисодиётини қарамликдан қутқариш соҳасида катта ишлар амалга оширилаётгани.

Ушбу тадбирларнинг пировад натижада мустақиллик самаралари сифатида эътироф этилаётгани маънавият соҳасидаги энг катта ғалабамиздир.

Халқимизда «қуруқ қошиқ оғиз йиртар» деган гап бор. Ўзбекистон истиқлолига муҳаббат реал иқтисодий заминга эга эканлигини тушуниб олмоқ учун айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Мустақиллик эълон қилинган 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида собиқ СССР республикалари ўртасидаги хўжалик алоқалари издан чиқиб, ёш давлатимиз қийин аҳволда қолган эди. Орадан атиги уч йил ўтгач, 1994 йилдан эътиборан Ўзбекистон ўзини ўзи дон билан таъминлашга чоғланмоқда.

Юксак даражада саноатлашган Украина ва Беларус каби биз билан тенгма-тенг мустақилликка эришган республикалар ўзларини сал эркин ҳис этиб қолсалар, «катта оғалари» томонидан нефть қамалига дучор қилинаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. 1991 йилда Ўзбекистон ҳам нефть соҳасида бутунлай қарам эди. Ҳар йили ишлатиладиган нефть маҳсулотларининг эллик фоиздан кўпроғи, яъни 4-4,5 миллион тоннаси четдан олиб келинган. Бунинг акси ўлароқ, 1995 йилда қўшни давлатлардан атиги 750 минг тонна нефть маҳсулотлари сотиб олиш мўлжалланмоқда. Яқиндагина ўзбекча имзо билан «Аргументы и факты» ҳафтаномасида мақола чиқазиб, Ўзбекистон бир йиллик пахтасини сотса ҳам унинг пули эҳтиёжи учун зарур нефть маҳсулотларини харид қилишга етмайди, деб мустақиллигимизни писанд қилмай юрганларга мана шу мисолнинг ўзи яхши жавоб бўлади.

Гўшт ва картошка маҳсулотлари тайёрлаш соҳасидаги ишларимиз ҳам эътиборга моликдир. Хусусий тармоқ эгалари ва фермерлар гўшт, картошка ва бошқа айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда давлат ташкилотлари билан бемалол рақобатлашмоқда. Хуллас, яқин ўтмишимизда баланд минбарларда қабул қилиниб, кейинчалик газета саҳифаларида қолиб кетувчи беш йиллик, етти йилик, ҳатто йигирма йиллик дастурлардан тўйган кишилар бугун маълум ички қонуният ва аниқ режа асосида изчил амалга оширилаётган бу тадбирлардан Ўзбекистоннинг ўзига мос йўли нима эканлигини тобора яхшироқ англаб олмоқдалар.

Тоққа чиқишга чоғланган одам чўққини кўзламаса, мақсадига етолмайди. Ҳар ғал ислоҳотларнинг навбатдаги босқичига ўтилаётганда халқ хўжалигидаги ижтимоий ҳаётимизга катта фойда келтирадиган энг зарур мурватларни аниқлаб олишга алоҳида эътибор берилади.

«Хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантирамиз ва қўллаб-қувватлаймиз!». Президент ҳузуридаги идоралараро кенгашнинг ўша 16 декабрдаги мажлиси руҳини белгилаган бу шиор мустақилликда кечган уч йилдан кўпроқ даврда шу соҳада амалга оширилган ишларнинг ўзига хос якунигина бўлиб қолмай, 1995 йилда хукуматимиз юритадиган иқтисодий сиёсатнинг муҳим жи-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ МАҲМУД УСМОНОВГА

Қадрли Маҳмуд ота!

Сиз қадимий ўзбек халқ амалий санъатининг ноёб тури — ганч ўймакорлиги соҳасида кўп йиллар мобайнида самарали меҳнат қилиб келяпсиз. Сизнинг бетакрор маҳоратингиз жумҳуриятимизда савлат тўкиб турган ўнлаб муҳташам кошоналарга афсонавий ҳусн бағишлаб турибди. Уларда халқимизнинг буюк ижодий қудрати, истеъдоди барқ уради.

Сиз улкан санъаткор бўлиш билан бирга, ўз ҳунарини дариғ тутмай, ёшларга беминнат ўргатиб келаётган саховатли қалб эгаси, халқ эъзозлаган устасиз. Бугунги кунда кўплаб шогирдларингиз Сизнинг эзгу ишларингизни давом эттириб, ўзбек ганчкорлик мактабини бойитмоқдалар.

Сизнинг машаққатли, айни пайтда шарафли меҳнатингиз ҳамиша юксак тақдирланиб келди. Давлат мукофотларининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми деган фахрий унвонларга эгасиз.

Қадрли Маҳмуд ота!

Сизнинг фидойи меҳнатингиз, ғайрат-шижоатингиз келажаги буюк давлатимизнинг ёш авлодига ҳамиша ибратдир.

Сизни муборак ёшингиз билан самимий қутлайман! Сизга сиҳат-саломатлик, фароғатли умр тилайман. Бахтли мўйсафидлик гаштини суринг, омон бўлинг!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

УСТАНИНГ БАХТИ

Машҳур ганчкор уста, Ўзбекистон халқ рассоми, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳмуд Усмонов 85 ёшга тўлди. Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида ана шу муносабат билан тантанали йиғилиш бўлди.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг Маҳмуд ота Усмоновга табаррук ёши билан қутлаб йўллаган табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Тадбирнинг мазкур саройда ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор. Бинога ишланган ранго-ранг нақшлар уста ва унинг шогирдлари меҳнати маҳсулидир. Шунингдек, Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида, Алишер Навоий, Ҳамза, Муқимий номидаги театрларда, метро бекатларида, мамлакатимиздаги бошқа кўплаб биноларда ота қўлларининг нурли изи бор. Унинг юзлаб шогирдлари ноёб ҳунарни эъзозлаб, юртимиз довруғини бутун жаҳонга таратмоқдалар.

Меҳнат қилган — элда азиз, дейдилар. Маҳмуд Усмоновнинг кўп йиллик самарали меҳнати, бетакрор санъати муносиб тақдирланди. У мамлакатимизнинг юксак унвон ва мукофотларига сазовор бўлди.

Маҳмуд отанинг тантанада сўзга чиққан дўстлари, шогирдлари, санъат мухлислари уни қутлуғ кун билан муборакбод этиб, эл-юрт олдидаги улкан хизмати, меҳнат билан топган иззати — устанинг бахтидан сўзладилар.

(ЎзА).

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

20 январь куни Тошкентда ғалла етиштиришни кўпайтириш ва хўжаликларни келгуси йил ҳосили учун сифатли уруғ билан таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Уни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда республикамиз ғалла мустақиллигига эришиш, аҳолини ўзимизда етиштирган дон маҳсулотлари билан тўла таъминлаш вазифаси турганлиги алоҳида таъкидланди. Бу муҳим масалани қисқа муддат ичида ҳал этиш мақсадида кейинги йилларда ғалла майдонлари кўпайтирилмоқда. Хусусан, бу йил суғориладиган ерлардаги бошоқли дон экинлари майдони 972 минг гектарга етказилди. 1996 йилда эса 1 млн. 300 минг гектар суғориладиган майдонга ғалла экиш режалаштирилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ўтган йили ғалла етиштириш ҳажми 1993 йилга нисбатан 460 минг тоннага, давлатга сотиш эса 458 минг тоннага ошди.

Аммо бу борада мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаяпти. Бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги жуда паст. Айрим туман ва вилоятларда ҳосилдорлик 7-10 центнердан ошмаяпти.

Семинар-кенгашда ғаллачиликда муҳим агротехник қоидаларга амал қилинмаётгани, жумладан, экинлар минерал ва маҳаллий ўғитлар билан етарли озиқлантирилмаётгани, ўрим-йиғим мавсумининг эса чўзиб юборилаётгани ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, навларни тўғри танлаш ва районлаштириш, уруғлик дон тайёрлашда унинг сифатига катта эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Ғалла етиштиришни кўпайтириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

(ЎзА).

СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

20 январь куни Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миссияси вакиллари иштирокида Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиётига бағишланган халқаро семинар иш бошлади.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов очди. У БМТнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятига юқори баҳо берар экан, Ўзбекистон ҳукумати ушбу алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Семинарнинг дастлабки кунида иқтисодий ислоҳот, экология, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш муаммолари юзасидан маърузалар тингланди.

Анжуманда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик иштирок этди.

Семинар ўз ишини давом эттирмоқда.

ИСЛОМОБОДДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги делегацияси Исломободга ташриф буюрди. Делегация аъзолари Покистон давлат солиқ маҳкамасида ўтган учрашувда ҳамкасбларини Ўзбекистондаги солиқ тизими ва тартиблари, республикамизнинг импорт ва экспорт имкониятлари билан таништирди.

Ўзаро музокаралар натижасида солиқ тартибларини уйғунлаштиришга ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига хизмат қиладиган ҳукуматлараро битимлар лойиҳалари тайёрланди.

Сафар ниҳоясида ўзбекистонлик меҳмонлар Покистон оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Наим Ғойибов иштирок этди ва республика Олий Мажлисига сайлов якунлари ҳақида сўзлаб берди.

(ЎзА).

ЖИНОЯТЧИЛИК ЙЎЛИГА МУСТАҲКАМ ҒОВ СОЛИНСИН

Самарқанд ички ишлар вилоят бошқармаси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўтган йилги фаолияти якунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонлари ва нутқларидан келиб чиқадиган талаблар асосида жиноятчиликка қарши курашни, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишни кучайтириш вазифалари муҳокама этилди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, вилоятда жиноятчиликнинг умумий даражаси олдинги йилга нисбатан 13,8 фоиз камайган. Айниқса, оғир ва ўта хавфли жиноятлар, ўғрилик, босқинчилик, автомашиналарни олиб қочиш, давлат мулкини кўп миқдорда ўғирлаш ҳоллари камайди. Аммо буларнинг ҳаммаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хотиржамликка берилишига, ишни бўшаштиришига асос бўла олмайди, деб таъкидлашди йиғилиш қатнашчилари. Президентнинг экинларни пайҳон қилишга, иқтисодиётдаги жиноятчиликка, наркотик моддаларни тарқатиш ва бангфурушликка қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги фармонларини амалга оширишга бутун кучни сафарбар этиш талаб қилинади. Республикамиз халқининг бебаҳо ютуғи — ижтимоий ва сиёсий барқарорлик вазиятини сақлаб туриш ва мустаҳкамлаш иши ҳуқуқ муҳофизларининг доимий эътиборида бўлиши лозим.

Йиғилишда Самарқанд вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов иштирок этди.

***

Фарғона ва Тошкент вилоятларида ҳам ички ишлар бошқармалари фаолларининг худди шундай масалага бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.

(ЎзА).

• Бирортаям танқид натижасиз қолмайди

«ЁЛҒОН МАЪЛУМОТ БЕРИБ КИМНИ АЛДАЙСИЗ?»

(«Халқ сўзи», 1994 йил, 11 ноябрь)

Мақолада тумандаги 132 та машинадан 39 таси эҳтиёт қисмлар билан таъминланмаганлиги сабабли теримда қатнашмагани, Яккабоғ туманидаги ҳиссадорлик тижоарт деҳқончилик-саноат банки раҳбарларининг айби билан 1 миллион 16 минг 200 сўм пул теримчиларга ўз вақтида берилмаганлиги ёзилган эди. Ушбу юзасидан Яккабоғдан қуйидагича жавоб хати олинди:

— Ҳақиқатда туман хўжаликларида мавжуд 132 та терим машинасидан 93 тасини йиғим-теримга тўла таъмирлаб улгурилмади.

Пахта майдонларининг асосий қисми 1994 йил баҳорда шудгор қилинганлиги, экин майдонларида чигит суви билан кўчат олингани оқибатида туп сон сийраклашиб, ғўза ривожи ҳар хил бўлиб қолди. Йиғим-терим мавсумида ана шу ҳолатлар ҳисобга олиниб ҳамда ҳосилни қўлда териб олиш учун туманда имконият етарли бўлганлиги учун жами 20 минг 525 тонна ҳосилнинг 20 минг 383 тоннаси ёки 99 фоизи қўлда терилди.

Мақола туман ҳокимлиги ва туман агрохизмат уюшмасида муҳокама этилиб ўзига топширилган вазифага маъсулиятсизлик билан ёндошганлиги учун туман агрохизмат уюшмаси раисининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Х. Мўминов ва ҳиссадор тижорат деҳқончилик саноат банки туман бўлимиинг бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Ш. Эралиевлар огоҳлантирилди.

Туман прокуратурасига туман агрохизмат уюшмаси бош ҳисобчиси номидан нотўғри маълумотнома берган мутахассис Ш. Жўраев бошқа ишга ўтказилди.

О. БОЙНАЗАРОВ,
туман ҳокимининг биринчи ўринбосари.

«КАМЧИЛИКЛАР ҚАЧОН БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ»

(«Халқ сўзи», 1994 йил, 17 декабрь)

Шу сарлавҳали танқидий мақола юзасидан Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси ходимлари текширув ўтказиб, қуйидагиларни маълум қилди:

— Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги капитал қурилиш бош бошқармаси томонидан 80 «Б» уй фойдаланишга топширилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилмагани туфайли «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасидаги 80«Б» уйда истиқомат қилаётган мижозлар электр энергия билан вақтинча схема бўйича таъминланганлар. Натижада электр тармоқларида тез-тез узилишлар рўй берган ва аҳолининг ҳаққоний норозиликларига сабаб бўлган.

Ҳозирги кунда 80«Б» уй доимий схема бўйича 460-транспунктга уланди. Бу ҳақда 80«Б» уйда яшовчи хонадон эгалари томонидан тасдиқлов хати тузилди.

Б. ТЕШАБОЕВ,
Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси директори.

ИККИ АНЖУМАН

Тошкент давлат техника университети профессор-ўқитувчилари, аспирантлари ва талабаларининг «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзудаги илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар, жумладан, ТошДТУ ректори Тўлқин Миркомилов ўтиш даврининг беш тамойили хусусиятлари ҳақида гапирдилар.

Шунингдек Тошкент автомобиль ва йўллар институтида ҳам шундай анжуман ўтказилди. Ҳуқуқ билими асосларига бағишланган бу тадбирда институтнинг бир қатор профессор ва ўқитувчилари ёшларнинг Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурч ҳамда вазифалари ҳақида қизиқарли маърузалар қилишди.

Ҳар икки анжуман сўнгида қатнашчилар учун концерт дастурлари намойиш қилинди.

Р. ЭРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСЛОҲОТДА ТУБ БУРИЛИШ ЯСАГАН ФАРМОН

СЕНДАН ҲАРАКАТ, МЕНДАН— БАРАКАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳатларини ҳам белгилаб берди. Буни изоҳлаш учун гапни узоқдан бошлашга тўғри келади.

Сир эмас, 90-йилларнинг бошида ҳам мулкдорни кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ одамлар кўп эди. Бой бўлиш учун ақл керак, топқирлик керак, меҳнат қилиш, тинмай изланиш керак, дейилса кўпчиликнинг энсаси қотарди. Бой кишини, бойликни кўролмайдиган, ҳаммани бирдай камбағалликда қарам қилиб ушлашга мослашган собиқ коммунистик тузум ақидаси қон-қонимизга сингиб улгурган эди-да. Иш шу даражага етган эдики, студентлар ва ўқитувчиларгина эмас, оқ-қорани таниган кап-катта одамлар ҳам «камбағалнинг фарзанди эканлиги»дан фахрланиб гапирарди. Бирон-бир мартабага эришган арбоб учун «у камбағал деҳқон фарзанди эди» деган ёрлиқ энг улуғ фазилат саналарди. Чунки социализм машинаси Владимир Ульяновнинг «ошпаз хотин ҳам давлатни бошқариши мумкин», деган ақидаси билан ишлаб, кўпчиликни «берсанг ейман, урсанг ўламан» қабилидаги манқуртларга айлантириб улгурган эди. «Давлат боқади!», «Давлат берсин», «Куриб беринг!», «Ўтказиб беринг!» қабилидаги боқиманда «давлат одамлари»нинг бутун бир армияси ўша даврда томир отиб, палак ёзди.

Бу масалага кейинроқ батафсил тўхтаймиз. Ҳозир эса Мирзакаримбой ҳақида. Ҳа, ўша совет мактабида ўқиган кишилар яхши биладиган машҳур «Қутлуғ қон» романининг «салбий» қаҳрамони, «илоннинг ёғини ялаган» Мирзакаримбой образининг янгича талқини ҳақида баҳс юритмоқчимиз.

Яқинда тасодифан Тошкент лицейларидан бирининг битирувчи синф ўқувчиси ёзган иншони ўқишга тўғри келиб қолди. Иншо «Мен кашф қилган Мирзакаримбой» деб номланади. Унда шундай жумлалар бор: «Адиб мажбуран замонасозлик қилиб, Мирзакаримбой образидаги қора бўёқларни ҳаддан ташқари қуюқлаштириб юборган. Лекин шунча ҳаракат қилса ҳам, Мирзакаримбойларнинг ўз даври учун керакли одам эканлигини ящириб кетолмайди. Ахир Мирзакаримбойлар тежаб-тергаб, бирни ўнга чақиб топган сармоясини завод-фабрикалар қуришга сарфламаса, жаҳон уруши туфайли қишлоқда куни ўтмай қолган Йўлчивойлар заводчи тоғасиникига эмас, бегона юртларга улоқиб, бутун Туркистон тўзиб кетмасмиди?!

Бировнинг севиклиси — гўзал Гулнорга уйланган Мирзакаримбойни ҳам, маишатпараст Салимбойваччани ҳам оқламайман. Бироқ Йўлчивойлар етиштирган гўзани капиталга айлантирган заводчи бойга, унинг эвазига четдан мол олиб келиб, бозорини тўлдираётган Ҳакимбойваччаларга энди қора бўёқ чаплайвермайлик, демоқчиман.

Отамлар, дадамларнинг даданлари қишлоқда яшардилар. Табиийки, пахта экишарди. Бир колхозчига бир гектар ер тўғри келган ва ундан ҳар йили ўртача уч тонна пахта ёки бир тонна тола олинган. Пахта бозорида бу хомашё бир минг икки юз долларга баҳоланса ва бунинг ярмидан кўпи харажатга чегириб қолинса, қолган 300-400 долларлик даромад билан деҳқоннинг 6-7 кишилик оиласи қандай кун кечиради? Агар ўзимизда шу бир тонна толадан мингта кўйлак тайёрланиб, ҳар бири 50 долларлардан сотилса-чи? Эллик минг долларлик даромаднинг бешдан бири деҳқон отамизга текканида ҳам у киши шоҳона яшаган бўлардилар. Мирзакаримбойлар мана шундай ҳаётга чоғланган эди. Бизнинг ижобий қаҳрамонимиз бўлмиш паҳлавон Йўлчи эса Петровларга эргашиб, ўз тоғасининг бойлигини, аслини олганда, худди қароқчилар каби бировнинг мол-мулкини тортиб олди. Бундан кейин Йўлчи ҳаракат қиладиган сценарий ҳаммага маълум. Ишбилармонларни юртимиздан бадарға қилди, қамади, отди. Яна қароллигига бориб, қўлга киритган бойликларини қўпайтириш йўлини кўрмади, билмади. Алалоқибат ўша йиртқичопон Йўлчилигича қолиб кетди. Ҳозир орамиздаги давлат берсин, боламизни боқишсин, дегувчиларнинг ҳар бирида битта алданган Йўлчини кўраман.

Ҳозир ҳукуматимиз ишбилармонликни рағбатлантирмоқда, хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватламоқда. Бунинг самарасини ўз кўзимиз билан кўрмоқдамиз.

Яқинда бир ўртоғим шаҳардаги катта магазиндан 600 сўмга этик олиб, ўн беш кун ҳам киймади — йиртилиб кетди. Мен «Отчопар»дан шу пулга Италияда тикилган «сапожка» сотиб олдим. Икки йилга чидаб беради. Давлат дўконида ишловчи бир қўшнимиз ҳамма ўзини «Отчопар»га уриб, савдоси яхши бўлмаётгани учун тушум камайиб кетгани ҳақида куйиниб гапирди. Тўғри-да, қиммат ва сифатсиз мол кимга керак? «Отчопор»да эса излаган нарсангизни топасиз: ҳам арзон, ҳам сифатли. Авваллари «олиб-сотар», «чайқовчи» каби таъна-дашномларга нишон бўлганлар энди харидоргир маҳсулот билан бозоримизни арзон қилмоқдалар. Кўпроқ сармоя тўплаганларидан кейин эртага уларнинг ўзлари яхши маҳсулот ишлаб чиқаришга киришадилар. Мен буни «Мирзакаримбойларнинг янгича қиёфада яна ҳаётимизга қайтиши, деб тушунаман».

Ўн беш — ўн олти ёшли лицейчи боланинг иншосидан олинган бу мулоҳазаларнинг баҳсталаб жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Бироқ кеча пионер бўйинбоғини тақиб, мулкдор отасини сотган Павлик Морозовларни идеаллаштириб юрган фарзандларимизнинг бугун ҳаётга тамомила ўзга соҳилдан туриб баҳо беришига бефарқ қараб бўлмайди.

Коммунистик мафкуранинг етмиш йиллик метин қўрғонларини бозор ислоҳоти уч йилдаёқ чок-чокидан сўкиб юборди. Унинг ўрнида миллий истиқлол мафкураси қарор топмоқда. Бу янгича дунёқарашни ҳозир шу соҳада ишлаётганларнинг ҳаммасини тарбиялаган эскича усуллар билан шакллантиришга уринишлар ҳам йўқ эмас. Аммо ҳаётга очиқ кўз билан қараб, фарзандларимизга гўзал бир Ватанни мерос қилиб қолдиришни ният қилган кишилар юрагидаги большевизмдан мардона юз ўгирмоқдалар. «Отанг-бозор, онанг-бозор» мақолининг маънавиятга даҳлдор жиҳатларини тез ўзлаштириб олишмоқда.

Бугун новвой отасига ёрдамлашган болани ҳеч ким қувидиқувдига солмайди. Чунки у пулнинг меҳнат билан топилишини, сармоя жамғариш учун қанча елиб-ёғуриш кераклигини ҳис этиб улгаяди. Эртага отасининг ибтидоий новвойхонасини катта нон заводига айлантиришга чоғланса ажаб эмас. Чунки Ўзбекистонда ишбилармонликни кўкартирадиган иқлим яратилди. Сармоядорларни ҳимоя қиладиган қонунлар ишлай бошлади.

Тошкентлик Мунира Қориева май ойида ўзи ишлаётган дорихонани хусусийлаштириб олганди. Дастлабки пайтда дорихона ойига уч-тўрт минг сўмлик дори-дармон сотган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич бир миллион сўмдан ошиб кетди. Қориева соғлиқни сақлаш ташкилотларига сотилаган дори-дармонларнинг пулини ўз вақтида дорихона ҳисобига ўтказиб бериш ва яна чет эллан дори-дармон сотиб олиш учун бу маблағни валютага алмаштиришга кўмак сўради. Маълум бўлишича, Қориеванинг дорихонаси касалхоналарга ҳам дори-дармонлар етказиб берар экан. Хусусийлаштирилган дорихоналар дори-дармонни фақат аҳолига нақд пулга сотишлари керак. Ҳозир республикамиздаги дорихоналар жадал хусусийлаштирилаётган пайтда бу қоидани кўпчилик билиб қўйса яхши бўлади.

Чек дафтарчалари билан ишлашни яна йўлга қўйиш, ўз маблағларини тасарруф этиш учун сармоядорларга тўла эркинлик бериш, ишбилармонларни рўйхатдан ўтказиш босқичларини камайтириш ва солиқ тўлаш усулини соддалаштириш ҳақидаги таклифлар ҳам шу мажлиснинг ўзидаёқ тегишли идоралар-нинг раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг навбатдаги босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни охирига етказиш асосий вазифа қилиб белгиланди. 1995 йилда 60-70 мингта хусусий сармоядор пайдо бўлиши кутилмоқда. Аҳолини кенг қўламда тадбиркорликка жалб этиш ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат соҳасида хусусий бизнесни ривожлантиришга қаратилган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Президент фармонида ушбу мажлисда кўтарилган барча масалалар қамраб олинган.

Собиқ совет тузумида «давлат бойиса, халқ ҳам бой бўлади» қабилида сиёсат юргизилиб, бутун бойликларга давлат тамғаси уриб қўйилган бўлса-да, амалда эгасиз мулк талон-тарож бўлиб ётарди. Энди эса халқ бойиса, мамлакат бойийди, дейилмоқда. Ишлаб чиқариш воситалари, мол-мулк ўзининг ҳақиқий эгаларига қайтариб берилмоқда. Бунга юқоридан бўладиган ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Аммо идоравий тўрачилик қусурлари ҳали оёққа тўғаноқ солмоқда. Айниқса, қуйидан бўладиган тўсиқларни йўқотиш бирмунча қийин кечаётир. Танбаллик, айрим кишилардаги фаолиятсизлик ва унинг маҳсули сифатида пайдо бўлган боқимандалик иқтисодиётнинг қон томирига зулукдек ёпишиб олган.

— Нарх-наво эркин қўйиб юборилгандан кейин кўпчилик сергак тортиб қолди, —дейди сирдарёлик тижоратчи Мўмин Сафаров. — Бозор қонунлари энди давлат дўконидаги арзон маҳсулотга қаноат қилиб юрган айрим ношудларнинг бурнини ерга ишқалайди. Танланиш, рақобат кучаяди. Ҳар ким меҳнатига, қобилиятига яраша яшайдиган бўлади.

Нафсиламрини айттанда, бозор иқтисодиёти аҳолининг «ойликхўрлар» сирасига кирувчи маълум қатламларини ҳам яхшигина тебратиб кўриши мумкин. Фан номзоди, пойтахтимиздаги дорилфунунлардан бирида чет тилидан дарс берувчи ўқитувчи тўрт ой Олмонияда маҳаллий фирмалар билан ҳамкорлик қилаётган тижоратчиларга таржимонлик қилади. Сафар харажатларини озгина чой- чақаси билан фирма ўз зиммасига олган. Аммо бизнинг ўқитувчимиз қараб ўтирмайди. Ўша ёқда метрополитенга ёлланма ишчи бўлиб жойлашиб олади. Тунда, метро қатнови тўхтагандан кейин сўнгги бекатга боради. Икки соатда учта вагонни ювиб, ҳам савобга қолади, ҳам 200 маркани чўнтагига уриб, яна ҳеч нарса кўрмагандек қўналғасига қайтиб келаверади. Ҳозир ўша ўқитувчи «Мерседес» миниб юрибди. Шаҳар марказидан 4 хоналик уй сотиб олди. Қолган пулини тижоратга солиб қўйган.

Бухоро ва Хоразм вилоятларида яхши анъана сақланиб қолган. Хўжаликлар, ташкилотлар Россия Федерациясининг ишчи кучига мухтож ўлкалари билан шартнома тузиб, талабгорлар бригадасини у ёққа юборади. Эвазига Россиядан ёғоч ва бошқа зарур маҳсулотлар олинади. Ўтган йили Ёшлар Иттифоқи Хоразм вилоят қўмитаси 55 нафар йигитни шартнома асосида Астрахан вилоятига юборди. Ҳар бир киши ўртача бир ярим миллион рублдан даромад қилишди. Бошқача изоҳланганда, шу 55 йигитнинг ҳар қайсиси Ўзбекистонга бир ярим миллион рублдан маҳсулот олиб келди.

Бизнес қилиш учун, албатта, Олмонияга ёки Россияга бориш шарт эмас. Яқинда хизмат сафари билан АҚШнинг Флорида штатидаги Орландо шаҳрида бўлишга тўғри келди. Аэропортнинг юклар берадиган «карусели» ёнида аллақачон сизнинг қаерга боришингиздан воқиф бўлган ҳайдовчи пойлаб туради, жамадонларингизни автобусининг юкхонасига жойлаб, манзилга етганингиздан кейин юкларингизни меҳмонхона ҳаммолининг қўлига тутқазади. Ўз навбатида ҳаммол сизнинг қайси хонада туришингизни тезда аниқлаб, юкларингизни олиб бориб беради. Қайтишимизда ҳам айнан шу хизматлар илиқ табассум билан такрорланди. Бизда-чи?..

Тонгга яқин, соат тўртда Тошкент аэропортига кўндик. Юк оладиган жойда тўрт-беш киши, ҳаммол бўлса керак, йўловчиларни мириқиб томоша қилиб ўтиришди. Ёнларида «Самсунг» фирмаси тайёрлаб берган, Американикидан қолишмайдиган юк аравачалари қаторлашиб турганди. Биз-ку майли, лекин шу самолётдан тушган юздан ортиқ унча-мунча пулнинг юзига қарамайдиган хорижлик бизнесменнинг қўлидаги сандиқдек-сандиқдек жамадонини оладиган бирон чаққон топилмади. Ташқарига чиқсак, такси бекатида машиналар қатор, шофёрлари ҳам, диспетчери ҳам мудроқ уйқуда. Уларга қараб беихтиёр ҳамюртларимизнинг айримлари мустақиллик бекатларида шу шофёрларга ўхшаб мудроқ уйқуда бўлсалар керак, деган ўй хаёлимиздан кечди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг самолётлари бугун дунёнинг турли бурчакларига парвоз қилмоқда. Ҳатто Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрига самолёт қатновини йўла қўйишга тайёргарлик кўрилаётир. Чапанасига айтганда, бу соҳада уларга гап йўқ. Аммо унинг бош бекатида шунга яраша, халқаро ўлчамлар даражасида сервис хизмати кўрсатилиши керак эмасми?!

Умуман аэропорт, темир йўл вокзаллари, «Тошкент» автовокзали каби шоҳ бекатлар Ўзбекистоннинг дарвозаси, остонаси ҳисобланади. Уй остонадан бошланади, деган гап бор халқимизда. Эшик олдидаги остонадаги саранжом-саришталикка ёки ивирсиқлигига қараб уй эгасининг кимлигига баҳо берадилар.

Меҳмонхонаримизда ҳам аэропортдаги ҳолат. Ҳаммоллик хизматини жорий этиш билан қанча одамни ишга жойлаштириш мумкин. Ҳам валюта ишлаб олинади.

Орландо шаҳрида бизга мулозамат қилган ҳаммолнинг бир кунлик даромади ўртача 250-300 доллар экан. Халқаро алоқаларнинг янги, энг ривожланаётган маркаларидан бири бўлмиш Тошкентимизда ҳам ҳаммоллик хизмати даромадгир иш бўлиб қолиши мумкин.

Хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш масаласининг ечими истеъмол бозоримизни маҳсулот билан тўлдирибгина қолмай, муҳим ижтимоий муаммо — ишсизликни бартараф этишга ҳам хизмат қилади. Яширишнинг ҳожати йўқ: Ўзбекистонда ишсизлар бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Бир мисол.Дўстлик туманидаги Мамажон Дадажонов номли ширкатлар бирлашмасининг Суюн Холбоев раҳбарлик қилаётган бригадасида ўтган мавсумда пахта етиштирилган майдонларда энди буғдой ўсмоқда. Бултур бригадада 10 киши ишлаган бўлса, бу йил Суюн Холбоевнинг ҳисоб-китобича, мавжуд юз гектар ердаги ғаллани парваришлаб йиғиб олиш учун уч киши кифоя қилар экан. Демак, 7 киши беиш қолади. Энди тасаввур қилинг: мазкур хўжалик жорий йилда 1 минг 800 гектар ерда ғалла етиштирмоқда. Шундан келиб чиқсак, хўжалик бўйича кам деганда 110-120 кишининг ишсиз қолиши эҳтимоли борлигини кўрамиз. Бу рақам туман вилоят ва республика миқёсига қадар салмоқли бўлиб бораверади. Чунки бу йилдан экинзорларнинг манзараси кескин ўзгариб, барча хўжаликларимиз мавжуд майдонларининг қарийиб ярмига қадар пахтага нисбатан ишчи кучи кам талаб қилинадиган ғалла экмоқда.

Ишбилармонликнинг каттакичиги йўқ. Айниқса, халқи ялписига пахтакор бўлиб ўтган бизнинг Ўзбекистонда ҳаммадан қўқонлик супермаркет соҳиби Нуриллаҳожи Абдуллаев ёки Самарқанддаги «Умар» фирмасининг президенти Умар Ражабов бўлишни талаб қилиб бўлмайди. Лекин «сендан — ҳаракат, мендан— баракат» деган Оллоҳ ҳикматли каломини ҳам унутмаслик керак.

Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ДАНГАЛ ГАП

ЁКИ ҚОРНИМГА ЭМАС, ҚАДРИМГА «ЙИҒЛАГАНИМ»

«Бозор иқтисодиётига ўтиш учун, аввало, бозор бўлиши керак,— дейди Омонулла Неъматов.— Бозор эса сотувчи-харидор муносабатидан иборат. Хўш, сотувчи нимани сотади ва харидор ниманинг байига сотиб олади? Аниқ бўлаяптики, бозор муносабатларини йўлга қўйиш учун ҳар икки томоннинг ўз МУЛКИ бўлиши шарт. Ҳозир бизда ана шу жараён — ўз мулкига эга бўлиш босқичи кетаяпти. Демак, кимки тезроқ ўз мулкига эга бўлса, у келажакда олдимизда турган иқтисодиётимизнинг асосий шакли —бозор муносабатларига фаол аралашади, яъни ҳаётда, жамият тақдирини белгилашда ўз ўрни бўлади!»

«Интер — Ўзбекистон» ташқи илмий-иқтисодий ишлаб чиқариш ва савдо бирлашмаси бош директори Омонулла Неъматовнинг бу мулоҳазалари ёдлаб олинган тайёр қоидалар эмас, балки тажрибада ортирилган энг лўнда хулосалардир.

Ҳали якка мулкчилик тартиблари қаттиқ амал қилаётган пайтлардаёқ у ўз имкониятларини тўлароқ намоён этиш йўлларини қидирди. Тошкент автомобиль йўллари институти дипломи билан 80-йилларнинг бошида Андижондаги йирик автокорхоналарнинг бирида бош муҳандис бўлиб ишлар экан, ишсиз юрган чеварларни тўплаб, кичик цех ташкил этди. Бу ерда болалар майкаларига турли рангли суратлар, безаклар босиш йўлга қўйилди. Цехда тайёрланган гулдор либослар тез орада ўз харидорларини топди. Ишлаб чиқариш кенгайиб бораверди. Фарғона шаҳрида, Туркманистонда турдош корхоналар очилди. Цех кенгайиб, «Ўзбекистон» кооперативига айланди. Ҳунармандчилик устахоналарининг сони 20 тага яқинлашгач, каттагина бирлашма юзага келди. Албатта, бу ишларнинг бошида Омонулла турди. Бўёқлару гул босиш дастгоҳлари топиб келишдан маҳсулотларни сотишгача бўлган барча юмушлар унинг назоратида бўлди.

Кейинги тарихий ўзгаришлар — Мустақиллик, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўли белгилаб олингани бирлашма фаолиятига қанот бағишлади. Айтиш мумкинки, ишбилармонлар ва тадбиркорлар кутган кунлар келганди.

Агар оддий маълумот ва рақамлар билан чекланадиган бўлсак, эндиликда бирлашмада 6 мингга яқин одам ишламоқда. Митти гул босиш цехидан бошланган фаолият чегараси кенгайиб, бутун Марказий Осиё, ҳатто Россия ҳудудигача етиб борди. Бирлашма таркибида 57 та кичик корхона ва фирма, 9 та ишлаб чиқариш корхонси (завод) мавжуд. Улар Тошкент, Андижон, Қашқадарё вилоятларида, Туркманистон, Қирғизистон ва Россия Федерациясида жойлашган. Айни вақтда яйловларда бирлашмага қарашли 15 минг бошга яқин чорва моллари боқилмоқда. Россиянинг Москва, Красноярск, Барнаул, Нижний-Новгород шаҳардарида «Савдо уйлари» ишлаб турибди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва шуғулланаётган фаолият турларини санашнинг ўзи «Интер—Ўзбекистон» бирлашмаси мавқеи ҳақида дастлабки тасаввур ҳосил қилади: кўплаб тикув цехлари, пахтани қайта ишлайдиган фабрикалар, асфальт заводи, ёғочсозлик, меваларни қайта ишлаш ва консервалаш корхоналари унинг тасарруфида. Бундан ташқари, лимонзорлар, иссиқхоналардан ҳам мўл даромад олинмоқда.

Дарвоқе, даромадлар ҳақида. Шубҳасиз, анча улкан ишлаб чиқариш қўлами анчагина фойда келтиради. Мабодо, буромадлар ҳақида бош директор билан суҳбатлашсангиз, у ўз одатича очиқ самимий тарзда улар нимага сарфланаётганини айтиб беради. Албатта, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги корхоналар ташкил этиш — биринчи мақсад. Бироқ «ишлаб чиқариш — ишлаб чиқариш учун» эмас. Ана шу ўринда Омонулла Неъматовнинг юрак туғёнлари жунбушга келади. Унга берилган «Ўзи, бу ҳаракатлардан муддао нима?» деган савол ошкора эътирофларга туртки бўлади.

— Иш юзасидан дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлдим,— дейди у — уларнинг ҳар бири ўзига хос, бир-биридан гўзал. Аммо оламда «Ўзбекистон» деган юрт борки, доим бағрига тортади. Рости, сафарлардан ҳориб келиб чойхонада дўстлар даврасида ичилган бир пиёла чой лаззатини ҳеч вақт тотмаганман. Шунда беихтиёр барча қобилият ва имкониятимизни шу Ватан истиқболи учун сарфлашга дилдан имон келтираман. Шу юрт фаровонлигига хизмат қилишдан ўзга олий муддаомиз йўқ.

Суҳбат мароми ўз-ўзидан моддий ва маънавий уйғунлик масалаларига бурилади.

— Сиз етакчилик қилаётган бирлашмани моддий жиҳатдан маълум муваффақиятга эришган жамоа деб аташ мумкин. Негаки, сизлар ўз эҳтиёжларингиз тўла қоплансагина янги режалар устида ўйлайсизлар. Шу ўринда маънавият ҳақида бош қотиришга эҳтиёж борми?

— Саволни бир оз қалтисроқ қўйдингиз, шуниси ҳам яхши, дангал гаплашамиз. Сиз тагқитешик идишни тасаввур қилинг. Унга истаганча сув қўйсангиз ҳам тўлмайди. Маънавиятнинг қолоқлашуви худди шунга ўхшайди. Бундай одамларни истаганча боқинг, моддий жиҳатдан таъминланг, асло тўймайди. Кишида «қониқиш» туйғуси мавжуд. Бир бурда нондан ҳам қониқиш мумкин, лекин бутун дунё бойликларини қўлга қаратиб ҳам қониқмаслик мумкин. Қониқиш туйғуси маънавияти юксак кишиларда бўлади, уни «шукрона» деб ҳам аташ мумкин. Демак, кишилар маънавиятини кўтармай, моддий фаровонликка эришиб бўлмайди.

— Қолаверса, мустақиллигимизнинг моҳияти ҳам шу эмасми? Биринчи кунларданоқ Президентимиз томонидан маънавиятни юксалтириш орқали халқимиз иззатини жойига қўйиш истиқлолнинг бош вазифаси экани белгилаб берилганди.

— Худди шундай. Эҳтимол, «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман» деган халқ мақолини эслаш ўринлидир. Ахир «Мустақиллик» деган ҳақиқатга «қадримиз учун йиғлаб» интилмадикми? Омади гапни айтсак, шўро тузуми даврида ҳам қозонимиз қайнаб турувди. Бироқ тарихимиз топталган, тилимиз камситилган, қадриятларимиз хўрланган эди. Демак, маънавиятимиз бўғилиб, ўзимиз манқуртлашиб, қулга айланиб бораётгандик. Ана шу фожиадан қутилиш учун истиқлолга интилдик ва, шукроналар бўлсинки, унга эришдик. Энди бир ҳақиқатни баралла такрорламоқчиман — Мустақиллик бизга қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимизни юксалтириш учун ҳам керак эди. Хуллас, ҳар қандай моддийлик маънавиятга хизмат қилиши лозим.

Бирлашма жамоаси бу гапларни ўз амалий фаолиятида тасдиқлаб келаяпти. Айниқса, матбуотни қўллаб-қувватлаш борасида хайрли ишлар қилинаяпти. « Сирли олам» журналининг иловаси — Қалб кўзи» газетаси бирлашма бош ҳомийлигида чоп этилаяпти. Пойтахтнинг «Чилонзор» туманида ташкил қилинган футбол жамоаси, республика кўл тўпи терма жамоаси, таэквандо маркази, Андижондаги «Динамо» спорт клуби бирлашманинг ҳомийлигида спортсоғломлаштириш фаолияти билан шуғулланишмоқда. Шунингдек, кўплаб шифохоналар, болалар уйларига ҳам неча минг сўмлаб хайрия қилинган.

— Ишбилармонлик ва тадбиркорликни янада ривожлантириш учун нималар қилиш лозим?

— Мамлакатимизда бу борада катта имкониятлар яратилган,— деди суҳбатдошимиз.— Президентимиз ўтган йили 21 январда қабул қилган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу ҳужжат иқтисодимизда улкан ўзгаришлар ясади. Умуман, бу борада барча шарт-шароитлар таъминланган, бироқ бизнинг юртдошларимиз эски ақидалардан воз кеча олмаяптилар. Пул топса, уни қандай сарфлаш йўлини билишмайди. Жуда нари борса, данғиллама тўй қиладида, исрофгарчилик билан йўқотади. Майли, тўйлар кўп бўлсин, лекин ҳамма нарсанинг ҳам мавриди, аталган куни бўлади. Мабодо, ортиқча маблағ бўлса, энг оддий цех, олайлик, кўрпатўшакларга жилд тикиш устахонаси ташкил этилса, бундан аввало, ўша одамнинг ўзи наф кўради, иккинчидан, истеъмол бозори тўлиб боради. Бу бир мисол, тадбиркорликнинг эса қирралари кўп. «Тома-тома кўл бўлар» деганларидек, умумий ишга ҳамма имкони даражасида ҳисса қўшсагина фаровонликка тезроқ эришилади.

Иқтисодиётда янги йўналиш юзага келди. Бу — қонуний зарурат эди. Ҳақиқатан ҳам узоқ йиллар ҳукм суриб келган яккаҳукмронликка чек қўйилишнинг ўзи қийин кечган бўлса, ундан ажралиб чиқиб, мустақил одим ташлаш ундан-да мушкул. Ҳар ҳолда жаҳон тажрибасига таянган, азалий анъаналаримиздан озиқланган янгича ишбилармонлик ҳаракати тобора кучайиб бораётган экан, «Интер—Ўзбекистон» бирлашмасига ўхшаш жамоалар фаолияти ўрнак бўлса ажаб эмас. Аслида, мамлакат иқтисодиётини кўтарадиган устунлар сирасига майда олибсотарлик ёки нархларни ошириш билан шуғулланадиган сохта тадбиркорлар эмас, янги маҳсулот яратиб, фаровонликка амалий ҳисса қўшаётган ҳақиқий ишбилармонларгина мансубдирлар. Қўлга киритилаётган муваффақиятлар эса бу йўналиш истиқболига умид билан қарашга изн беради.

Ҳаким САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЙ, «САНАМ»!

Қарши шаҳридаги тикувчилик фабрикаси жамоаси корхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантиришиб, уни «Санам» деб аташди.

Корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иш унумини ошириш имкониятлари яратилмоқда. Ўтган йили ҳиссадорлар режада белгиланган 2 миллион 496 дона ўрнига 2,6 миллион дона тикувчилик буюмлари тайёрлаб, буюртмачиларга жўнатдилар. Ишлаб чиқаришдан 10 миллион 817 минг сўм фойда олинди.

«Санам» ҳиссадорлик жамияти чеварлари эркаклар, болалар учун кўйлаклар, турли тўшакбоп чойшаблар, ёстиқ жилдлари тикиш билан бирга, янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ, хотин-қизлар учун миллий кўйлаклар, тиббиёт ходимлари учун халатлар тикишни ўзлаштириб олдилар. Улар айни чоғда Ҳамдўстлик давлатларининг енгил саноат марказлари билан манфаатли асосларда ҳамкорликни йўлга қўйиши, мол айирбошлаш эвазига тикувчилик ашёлари, турли газмоллар олиш ҳаракатидалар.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАШАД ҚИШЛОҒИДАГИ «АСНАМ-ТЕКСТИЛЬ»

Наманганда «Аснам-текстиль» номли очиқ турдаги ҳиссадорлик қўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг Низом жамғармаси 7 миллион Америка доллари миқдорида бўлиб, у «Астоп» (Туркия) ва Ўзбекистон томонига тегишлидир.

Шартномаларга мувофиқ, Машад қишлоғида қурилаётган ушбу ип йигирув фабрикасига Германияда тайёрланган юқори унумли асбоб-ускуналар сотиб олинади. Шу мақсадга 40,4 миллион немис маркаси сарфлашади. Бу маблағни эса Германиянинг «Гермес» суғурта жамияти кредитга беради. Қўшма корхона 1995 йилнинг учинчи чорагида дастлабки маҳсулотларини бера бошлайди. Бу ерда йилига 3020 тонна трикотаж иплари ишлаб чиқариш мўлжалланган. Ҳисоб-китобларга қараганда, бундай маҳсулотнинг ҳар бир килограмми хорижда камида 5-6 Америка долларига сотилади. Демак, олинган кредитни узоғи билан 5 йилда қайтариш мумкин. Муҳими — корхона тўлиқ ишга тушгач, 400 дан ортиқ ишчи ўринларини ташкил этиш имкони яратилади.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.



Ўтган йил Қизилтепа паррандачилик фабрикаси жамоаси учун омадли бўлди. Улар давлатга 1000 тоннадан ортиқ парҳез парранда гўшти топширдилар. Бундан ташқари фабрика қошидаги парестик тайёрлаш цехи ҳар ойда 200 дона парестик тайёрлашни йўлга қўйди. Бугунги кунда бу ерда 85 кути асал ари оиласи, 800 бошдан ортиқ қорамол,кўй, чўчқа парвариш қилиниб, булардан тушган фойда паррандачилик фабрикаси ишчиларининг турмуш шароитларини яхшилашга сарфланмоқда.

СУРАТДА: Зебунисо Бобоева ва Илёс Ориповлар 2-ишлаб чиқариш цехининг илғор паррандачиларидан.

Т. НОРҚУЛОВ олган суратлар (ЎзА).

• Диққат: янгилик

БАЛИҚ ПЎСТИДАН... ПОЙАБЗАЛ ТАЙЁРЛАШГА АҲД ҚИЛГАН ШОВВОЗЛАР

Барча корхоналар сингари Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни муаммоларининг ечимини топган ҳолда нафақат даромадни, балки соф фойдани кўпайтириш йўлида тинмай изланмоқда. Бу ҳақда бирлашманинг бош директори Баҳодир ХЎЖАҚУЛОВ шундай дейди:

— Маълумки, дунёда кўпдан бери чиқитсиз ишлаб чиқариш технологиясидан фойдаланиб келинмоқда. Лекин балиқчиликда бу технология жуда сust жорий этилган бўлиб, бизнинг республикада эса умуман йўқ эди. 1994 йил ўрталарида Андрей Рибский деган тадбиркор бизга мурожаат қилиб, балиқ пўстидан тери ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона тузишни таклиф этди. Бу ғоя аслида «Новосибирскэнерго» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги «Қатран» акционерлик уюшмаси томонидан илгари сурилган ва унинг технологияси ишлаб чиқилган эди.

Тадбиркорнинг фикри бизга жуда маъқул тушди ва қўшма корхона очиш бўйича ўзаро шартнома туздик. Низомга кўра, қўшма корхона чиқитсиз технология бўйича балиқни қайта ишлаш билан шуғулланиши керак эди. Унга балиқ пўстини шилиб олиш ва ундан тери ишлаб чиқариш, лаҳм балиқ гўштини олиш, чиқитлардан чорвачиликда, хусусан, паррандачилик саноатида жуда қимматли, фосфор, кальций ва бошқа ҳар хил микроэлементларга бой бўлган балиқ суяги уни тайёраш киради. Шу нарса диққатга сазоворки, балиқ пўсти, сузиш пуфаги чиқитлари ва тангачаларидан электроника саноатида қўлланиладиган ўта кучли елим ишлаб чиқарилади. Келажакда биз корхонада зоғорабалиқ тангачаларидан қимматбаҳо ва камёб оч қулранг ялтироқ бўёқ ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ниятидамиз.

Россиялик тадбиркор, қўшма корхона тузиш ташаббускорларидан бири Андрей РИБСКИЙ билан ҳам суҳбатда бўлдик.

— Янги технология асосида қўшма корхона очиш бўйича айнан Ўзбекистонни танлаганимизнинг боиси нимада? Биринчидан, мамлакатингиз ҳовуз балиқчилиги бўйича собиқ Иттифоқ республикалари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Иккинчидан, бозор иқтисодиёти талаблари яхши тушунилган бу юртда иқтисодий ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда, тадбиркорликка кенг йўл очилмоқда...

Энди ҳозиргача қилинган амалий ишлар ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи галда лаҳм гўшт етиштириш йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтишни истардим. Йирик қилтанақлардан тозаланган балиқ гўшти озиқ-овқатга мўлжалланган полиэтилен халталарга солиниб, махсус қурилмада ҳавоси тортиб олинади ва дудланади. Хушхўрлигини ошириш учун гўштга шакар, саримсоқпиёз, мурч, хушбўй гармдори, мускат ёнғоғи ва бошқа масалликлар қўшилади.

Биз бу маҳсулотнинг дастлабки намуналарини савдо корхоналарига юбордик ва улар харидорларга маъқул тушди. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, бундай лаҳм гўшт халтачаларда 20 кунгача аймай-бузилмай сақланади. Келажакда 6 ойгача яхши сақланишга имкон берадиган технологияни яратиш ҳаракатидамиз.

Балиқхўрларнинг биронтаси истеъмол қилаётган балиғининг пўсти муайян ишлов берилганидан сўнг терига айланиши мумкинл

TV ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР TV

ДУШАНБА, 23

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Қўғирчоқ рақса тушади». Мультфильм.
18.20 «Тараққиёт».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Долзарб мавзу.
19.35 Дилором Қаюмова куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон халқ артисти Шариф Қаюмов таваллудининг 90 йиллигига. «Парвона». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.25 — 00.30 Футбол. Қитъалараро чемпионлар турнири. Мексика — Дания.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. «Аёз бобо».

«Тошкент» студияси таништиради:

19.50 «Кўзмунчоқ».
20.20 «Излаган имкон топади».
20.50 Шифокор маслаҳати.
21.15 — 23.40 «Қаҳос». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим».

*

«ОМАД» таништиради:

20.35 «Совға».
21.05 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
21.25 Эълонлар.
21.30 Видео — «О».
23.05 Эълонлар.
23.10 «Курьер».
23.30 «... яна об-ҳаво ҳақида».
23.40 — 23.50 «Постфактум».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Лабиринт». Чернобиль фожиаси тақрорланмасин.
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.55 «Шоҳона гап-гаштаклар». Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Дмитрий Якубовский билан ишчан мулоқот. «Ёзнинг уч лаҳзаси». 1-фильм.
22.25 «Спорт уик-энди».
22.40 — 23.35 А. П. Чехов. «Катта йўлда». Таганрог драма театрининг фильм-спектакли.

СЕШАНБА, 24

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.20 «Беллашув». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
12.50 — 14.50 «Нурли келажак». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Қўнғироқча».
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Бевосита мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мозийга бир назар».
21.35 Экран таништиради: «Ҳуррият Исроилова куйлайди» фильми ҳақида.
22.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм.
23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.
24.00 — 00.50 Футбол. Қитъалараро чемпионлар турнири. Аргентина — Нигерия.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
19.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.00 «Видеогид».
20.20 «Теле-ателье-шоу».
20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 23.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлар ва замон».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.45 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.00 «Уммондан томчи».
22.35 — 23.20 «Безнен мирас» (татар тилида).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Кўҳна майдон сирлари».
18.30 «СБ» жумбоғи.
18.40 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 Мавзу.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Илк манбадан».
21.50 — 22.30 Дмитрий Якубовский билан ишчан мулоқот. «Ёзнинг уч лаҳзаси». 2-фильм.

ЧОРШАНБА, 25

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Хаёлпарастлар». Бадиий фильм.
10.05 Бир актёр театри. Рамз Бобожон. «Ҳиндистон онаси».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
11.30 Янги алифбони ўрганамиз.
12.00 «Омонёр».
12.15 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.55 — 14.55 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ислоҳот ва муаммо».
18.30 «Санъат усталари». Халқ артисти Бернора Қориева.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 «Хотира». Менгзиё Сафаров.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. «Экранда — Бухоро вилояти».
21.40 «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
22.10 Футбол. Қитъалар-аро чемпионлар турнири. Финал.
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. «Поезд «Болалик» станциясидан жўнайди». 1-серия.

«Тошкент» студияси таништиради:

19.35 «Дарсга қўнғироқ».
20.20 «Бизнес-банк».
20.35 «Ёдингдами, дўстим...»
20.50 «Оқ соя».
21.30 «Тошкент оқшомида».
22.30 — 00.10 «Одамлар, ишонинг менга». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 — 23.45 «ОМАД» таништиради. «Спорт қитъаси».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. А. Скрябин.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Кинопанорама».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50 — 22.35 Дмитрий Якубовский билан ишчан мулоқот. «Ёзнинг уч лаҳзаси». 3-фильм.

ПАЙШАНБА, 26

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Ғариб чоллар». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Мирий номли мактабда».
11.30 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
11.50 «Ёшлик» студияси, «Онамнинг ўгитлари».
12.20 «Таълим ва ислоҳот».
12.50 «Ёшлар ижоди». Концерт.
13.20 «Она ўлкамиз». Кинодастур.
14.00 — 14.20 «Ислоҳот одимлари».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Гул ва қурол...»
18.35 «Юракларнинг армони битта...». Салоҳиддин Азизбоев қуйлайди.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Қўшиқларда умрим мазмуни». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров куйлайди.
21.55 «Шаҳар таронаси». Бадиий фильм.
23.30 — 23.55 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.10 Муҳаббатга ошно қалблар.
19.30 «Бир шингил ҳангома».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.00 — 22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Қонун ва ижро».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.15 «Синов даври». Видеоканал.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
22.35 — 23.35 Ҳиндистоннинг миллий байрами — Республика кунига «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Бу бўлган, бўлганди...» Вадим Козин.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Александр Михайловнинг дўстлари ва йиллари».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 — 22.00 «Москва, Кремль».

ЖУМА, 27

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Тақдири азал». Бадиий фильм.
10.05 «Ёшлик билан юзма-юз».
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 «Компьютер — шоу».
12.30 «Созимда севги васфи». Концерт.
13.00 — 13.15 «Халқ фаровонлиги йўлида».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.30 «Ислоҳот мевалари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар...»
19.45 «Санъат дўстликка чорлайди». «Сумалак» ансамбли Францияда.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Маърифатнома».
21.30 Мумтоз куйлардан концерт.
22.10 «Кино усталари». Халқ артисти Ёқуб Аҳмедов.
22.55 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.20 — 00.45 «Қишдан қишгача». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. «Поезд «Болалик» станциясидан жўнайди». 2-серия.

«Тошкент» студияси таништиради:

19.35 «Учқун».
20.05 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «02» тўлқинида.
20.50 «Янги йил саргузаштлари» (такрор.).
21.30 — 24.00 «Демидовлар». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:

20.45 «Панорама».
21.15 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар ва Эълонлар.
21.35 «Даракчи».
21.45 Эълонлар.
21.55 — 23.25 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Бомонд».
19.20 «Тилла бола». Россиялик энг кучли боксчилардан бири Константин Цзю ҳақида телефильм.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
22.00 — 23.10 «Детективлар клуби»да. «Гуруҳ». Телесериал (Франция). 3-серия.

ШАНБА, 28

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Турфа ҳангомалар».
9.45 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
11.05 «Ижодкор портретига чизгилар». Саидботир Аҳмадхўжаев.
11.35 Камер куйларидан концерт.
12.05 «Ўзбекистон бастакорлари». Собир Сафоев қўшиқлари.
12.45 — 14.45 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб...»
18.40 «Ердаги излар». Ҳужжатли фильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг яккахони Гулбаҳор Сулаймонова қуйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Д. Д. Д. ва бошқалар». Спорт тележурнали.
22.00 «Офарин-94». Замонавий ўзбек эстрада санъати танлови ғолиблари. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
23.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.30 «Видеогид».
10.50 «Теле-ателье-шоу».
11.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.45 «Кинонигоҳ».
13.30 «Омад» тақвими.
13.35 «Жозиба».
13.55 «Ишингиз бароридан келсин!»
14.10 Муҳаббатга ошно қалблар.
14.30 «Бир шингил ҳангома».
14.40 «Теле-ателье-шоу».
14.50 Видео янгиликлари.
15.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
16.00 — 17.45 «Кинонигоҳ».

***

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 — 22.05 «Спорт-тайм» видеоканали:
— «Соккер-клуб».
— «Лидер».
— «Арт-спорт».
— «Юниор».
— «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Ўзбекистон — қадрдон уйимиз». Рус маданият маркази.
10.40 «Туристик маршрутларда».
11.10 — 11.50 «Тадқиқотлар ва кашфиётлар».

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эстрада калейдоскопи.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.35 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
21.00 «Ширу шакар».
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.00 «Жаҳон бозори».
22.40 «Ғалаба дастхатлари».
23.10 — 23.30 «Бу ажиб дунё».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 «Ўшангача ва ундан сўнг».
18.35 «Дами қайтган пичоқ». Бадиий фильм (АҚШ, «Коламбия пикчерс»).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
22.25 Евгений Светланов. «Ҳаёт партитураси».
23.20 — 23.50 «Магик-шоу».

ЯКШАНБА, 29

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қайта тергов». Бадиий фильм.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 Кино таҳририяти почтасидан.
11.20 «Халқ ижодиёти».
11.50 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
12.50 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон халқ артисти Мадрайим Бобожонов.
13.35 — 15.35 «Санъат сеҳри». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
18.30 Футбол майдонларида.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...»
19.55 Дам олиш концерти.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Бобби». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1 — 2-сериялар.
23.40 — 00.10 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Совға».
17.30 «Сирли олам».
17.40 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
18.10 Эълонлар.
18.15 Видео — «О».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Курьер».
20.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.30 «Камалак».
20.40 «Постфактум».
20.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Даракчи».
21.40 «Салом, ёшлар!»
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Абадият ва гўзаллик ҳақида». Уйғониш даври.
10.30 «Ташрифлар ва таклифлар».
10.50 «Қалбим қўри».
11.30 — 12.00 «Подиум».

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.40 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
21.05 «Интерпартнер».
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.50 «Колумб кашф этган диёр». Америкада фермер хўжаликлари.
22.35 «Мюзик-холл».
23.05 — 23.25 «Бу ажиб дунё».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.10 «Воронеж қизлари» куйлайди.
18.50 «Уолли қаерда?», «Питер Пуш». Мультфильмлар (АҚШ).
19.55 «Бутун Россия».
20.20 «Хайрия зиёфати». Бадиий фильм («Экран»).
22.00 — 22.50 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

«НАВРЎЗ» хайрия жамғармаси шуни маълум қиладики «ТОШКЕНТ» хайрия лотереясининг ютуқлар тиражи бошқа кунга

КЎЧИРИЛДИ!

ва Тошкент шаҳрида 1995 йил 30-мартда ўтказилади. Хайрия лотереялари газета киоскларида ва жамғарма банкларида сотилмоқда!

Лотереянинг баҳоси 5 сўм.

Лотереяда қуйидаги ютуқлар бор:

5 та	**50.000 сўмлик**	**25 та**	**5.000 сўмлик**
5 та	**25.000 сўмлик**	**125 та**	**1.000 сўмлик**
10 та	**10.000 сўмлик**	**150 та**	**500 сўмлик**

ва бошқа ютуқлар.

Тиражда 7,5 миллион сўмлик ёки 308 мингта ютуқ бор.

Хайрия лотереяларини сотиб олишга шошилинг!

Бу лотереяни 5 сўмга сотиб олиб Сиз ҳеч нарса йўқотмайсиз, балки катта ютуқ эгаси бўлиб, энг бахтли одам бўласиз!

Лотереядан тушган соф фойда хаста дилларга малҳам бўлади. Миллий қадриятларимиз ривожига, энг муҳтож ва кам таъминланган фуқароларимизга хайрия сифатида ва жамғарма Низомидаги вазифаларни бажариш учун сарфланади.

Олган хайрия лотереянгиз — бу Сизнинг оилангизга, қўшниларингизга ва ночор оилаларга кўрсатган катта саҳоватингиздир!

«НАВРЎЗ» СИЗГА ОМАД ТИЛАЙДИ!

ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

Ишдан ажралган ҳолда 1995 йилга аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Жаҳон иқтисодиёти — 2
Халқаро ҳуқуқ — 5
Сиёсатшунослик — 3

Кириш имтиҳонлари 1995 йил февралда ўтказилади. Аспирантурага кирувчилар университет ректори номига ариза ёзадилар. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— шахсий варақа ва таржимои ҳол
— иш жойидан йўлланмали тавсифнома.
— матбуотда ёритилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда мутахассислиги бўйича реферат ёки ҳисобот.
— олий маълумотлиги тўғрисида диплом нусхаси.
— меҳнат дафтарчасидан кўчирма.
— номзодлик минимумини топширганлиги ҳақида гувоҳнома (Агар бор бўлса).

Аспирантурага 30 ёшдан ошмаган, хорижий тиллардан бирида эркин сўзлаша оладиган шахслар қабул қилинади. Ҳужжатлар эълон газетада босилгандан сўнг бир ой муддатда қабул қилинади.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент, 700000, Буюк ипак йўли кўчаси, 54-уй, телефон: 67-16-00.

КОРХОНА ва ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Алоқаинвест» акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1994 йил 30 ноябрдаги 215 рақамли лицензияси асосида алоқа объектлари, шунингдек, граждан, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданий-маиший, илмий ва шулар каби бошқа мақсадлардаги алоқа иншоотлари ҳамда линиялари лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказади.

Сизнинг буюртмангиз бўйича экспертиза хулосалари қисқа муддатда, юксак малакали ва мақбул нархларда тайёрлаб берилади.

Алоқа объектлари ва иншоотлари ҳужжатларини билимдонлик билан ўз вақтида экспертиза қилиш — Сизнинг лойиҳаларни амалга оширишдаги ютугингиз кафолатидир!

Маълумот учун телефонлар: 33 - 63 - 93, 33 - 66 - 72.
Манзил: 700000, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 24.

«АЛОҚАИНВЕСТ» акционерлик жамияти

Тошкент шаҳар, Юнусобод туман «БОБОДЕҲҚОН» жамоа корхонаси 500 тоннагача сифатли бозорбоп бошли пиёз сотади ва омборлардаги бўш хоналарни юк қўйиш учун ижарага беради. Ҳақи пул ўтказиш йўли билан ёки нақд тўланади. Бартерга мол алмашиш ёки ижара ҳақига мол бериш йўли билан ҳам олиб борилади.

Қўшимча ахборотлар учун корхонага қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилинг: **700084 Тошкент шаҳри, Ғани Мавлонов кўчаси 52-уй, 13-корпус. Маълумот учун телефонлар: 35-62-81, 35-29-82, 35-08-82, 23-04-88.**

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг Навоий вилояти бўйича мухбири Ислом Худойкуловга отаси **Исмоил ХУДОЙКУЛОВнинг** вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМЗА НОМИДАГИ САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

1995 — йилга қабул эълон қилади:

ДОКТОРАНТУРА: мусиқа санъати — кундузги (1).

АСПИРАНТУРА: 1. Амалий ва тасвирий санъат — кундузги (2), сиртқи (1).
2. Кино ва ТВ — кундузги (1), сиртқи(1).
3. Мусиқа санъати — кундузги (1).
4. Меъморлик — кундузги (1)

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: 700029, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 2.
Телефон: 39-46-77.

Бир пиёла чой устида

Илҳом Иброҳимов 1964 йил декабрь ойида Марғилон шаҳри яқинидаги Сармозор маҳалласида туғилган. Айни дамда ўз овози, ўзига хос йўналиш билан халқимиз орасида шуҳрат топмоқда. Санъат сирларини акаси Мурод Иброҳимовдан ўрганган ва мунтазам акаси билан бамаслаҳат куй-қўшиқ яратади. Учта қизи бор. Лекин Илҳомжон фарзандларининг чевар-тикувчи, каштачи бўлишларини хоҳлайди.

Ўзан бўйлаб оқаётган дарёдек, дарахтлардан узилган баргларни устига миндириб чопаётган сувдек куй эшитилади. Бу куй қирғоқларни емиради, тошларни ларзага солади, қумларни оқизадиган шиддатли дарё сувидек инсоннинг дилини қитиқлайди. Биз Илҳомжоннинг қўшиқлари ҳақида суҳбатлашмаймиз, зеро унинг қўшиқларини гоҳ ойнаи жаҳон, гоҳ радио орқали эшиттансиз, тинглаб дам олгансиз. Биз бу қўшиқларнинг расмини чизишга ёки уни ҳикоя қилишга қурбимиз етмайди. Чунки жарангдор қўшиқларни ҳиссиз сўзларга айлантиролмаймиз.

• *Юзма-юз*

Илҳом ИБРОҲИМОВ:

«ҲАВАС ҚИЛИШ ҲАМ ИСТЕЪДОД»

— Гарчи анъанавий савол бўлсада, қўшиқчиликка қандай кириб келганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди, дейишади. Албатта, ҳар қандай истеъдод ҳам аввало ўзгалар қўшиғига тақлид билан санъатга кириб келади. Қўшиқларда миллий руҳ бўлмаса халққа манзур бўлмайди. Мисол учун «Маъмуржондай айтинг, Жўрахон Султоновдай айтинг» дейишади. Ахир уларнинг қўшиқларида на арабчага, на русчага ва на молдованчага ўхшамайдиган ўзбекона руҳни туясиз. Негаки, Оврўподан кириб келган замонавий мусиқа асбоблари миллатимиз руҳини англатолмайди.

— Шу ўринда чет эл эстрадасига тақлид қилаётган қўшиқчиларимиз ижодини қандай баҳолайсиз?

— Шовқин-суронли мусиқа эшитилиб турса-ю, дабдурустдан хонанда ўзбекча куйлай бошласа жуда ўхшамай кетади. Чунки Майкл Жексон каби қўшиқчиларга шовқин-сурон ярашади. Аммо биз ўзбекларга қўшиқчиликни бу йўлдан олиб бориш негадир... яна қайдам.

— Қўшиқчилик сизнингча касбми ёки...

— Қўшиқ айтиш бу шунчалик қизиқиш ёки нима биландир машҳур бўлиш деган нарса эмас. Санъаткор бўлиш учун 20—30 йиллаб ўқиган тақдирда ҳам истеъдод бўлмаса бирор натижа чиқиши қийин. Мен ҳурсанд пайтимда ёки нимадандир ранжиган ҳолатимда ижод қиламан. Бу ҳам яратганнинг иноятидир. Шунинг учун қўшиқ айтиш касб ҳам, ҳунар ҳам эмас. У худо берган улуғ неъматдир.

— Ашулаларингизнинг аксарияти севги, муҳаббат ҳақида.

— Тўғри, қўшиқларимда менинг ўзим бош ролда эмасман. Аксинча, тингловчилар ўзларини менинг ўрнимга қўйиб кўришлари нуқтаи назаридан айтаман. Севги бу дунёдаги энг катта куч бўлганлиги учун бойни камбағал ёхуд камбағални бой қилади. Севги барчага баб-баравар берилган. Ҳаттоки, ўсимлик, жониворларда ҳам шу ҳислат бор. Юқорида таъкидладимки, гоҳида ҳазин, гоҳида шўх қўшиқлар ижод қиламан. Деманки, инсонларнинг ташвиш-ғамларига шерик бўламан. Шу тариқа инсонларнинг кайфияти кўтарилишига кўмаклашаман. Атрофга боқинг, турли фасллар кўз олдимизда гавдаланади. Мана мисол учун куз фасли, барглар тушмоқда. Ҳаво кундан-кунга совияпти. Анчайин вазмин, оғир, бовқли, фарахбахшдир. Қўшиқларимда мана шу ҳижрон қийноқларини куйлаб, баҳор умидини уйғотишга ҳаракат қиламан. Қолаверса, мумтоз ашулалар, ўртача насиҳат тарзидаги қўшиқлар айтиш ниятим ҳам бор.

— Одамлардаги қандай камчиликларни кечирмайсиз, уларнинг қандай хислатларини ёқтирасиз?

— Хиёнатни ва сотқинликни кечирмайман. Ҳақиқий севгини улуғлайман. Одамларнинг бир-бирига вафоли, диёнатли бўлишини хоҳлайман.

— Қўшиқчилар орасида ҳам рақобат катта бўлса керак-а?

— Албатта, буюк кашфиётлар қарама-қаршиликлар орқали юзага келади, лекин қарама-қаршилик ёки рақобат ижобий маънода бўлиши керак. Одамлар бир-бирига ҳавас ёки ҳасад қилиши мумкин. Кимдаки ҳавас уйғонса ана шу ҳавас туфайли у кўп нарсага ҳаракат қилади. Ўзи ҳавас қилаётган одамни ҳам ҳурматлайди. Ҳавас қилиш ҳам бир истеъдод.

— Режаларингиз?

— Кўпчилик режани бир хил тузади, халқимга унақа хизмат қиламан, бунақа хизмат қиламан дейди. Ўзбек қўшиқчилигини дунё таниса дейман. Шу мақсадда келажакда бир қатор хорижий мамлакатларга ижодий сафарларга чиқиш истагим бор. Бугунги кунда «Мен ҳам олам дардига ҳамдардман» номли видеофильмни суратга олаяпмиз. Видеофильмда шу пайтгача мухлисларга яхши таниш бўлган қўшиқлар билан бирга янгилари ҳам киритилади. Бундан ташқари Сирожиддин Саййид, Муҳаммад Юсуф, Умида Абдуазимова каби шоирларнинг шеърларидан янги туркум яратаётибман, Худо хоҳласа бу қўшиқларни мухлислар яхши кутиб олишларига ишонаман.

Суҳбатни «Халқ сўзи» жамоатчи мухбири Тўлқин ЁРҚУЛОВ олиб борди.

ШАМОЛНИНГ... «ВАТАНИ»

ГИННЕСНИНГ рекордлар китоби гувоҳлик беришига қарагандa, Ер шарида энг кучли шамол эсиб турадиган жой Антарктидадаги Георгий V қирғоғи экан.

БУ ЕРДА кучли шамолнинг тезлиги секундига ўртача 85-90 метрга тенг. Аммо ер юзасига яқин энг кучли шамол 1934 йилнинг 12 апрелида Нью-Гэмпшер штатидаги Вашингтон тоғи ҳудудида қайд этилган. Ўша куни бу ерда шамолнинг тезлиги соатига 371 километрга етган. Бироқ у денгиз сатҳидан 1916 метр баландликда эсган.

ИНДОНЕЗИЯЛИК МОНТЕ-КРИСТО

АЙТИШЛАРИЧА, граф Монте-Кристо учиб бораётган капалакнинг кўзини аниқ нишонга оларкан.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ Суматра дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Банка оролида яшовчи хитойлик Лю Тинпо мерганликда Монте-Кристодан ўтиб тушар экан. У йирик тропик капалакларни ёй ўқи билан фақат танасини нишонга олади. Акс ҳолда ўлжаси яроқсиз бўлиб қолади.

Гап шундаки, Лю қанотларининг узунлиги 13 сантиметрдан 25 (!) сантиметргача бўлган капалакларни овлаб, сотиш билан тирикчилик қилади.

НАЗОРАТЧИ... МАЙМУН

ГЕРМАНИЯДАГИ федерал йўлларнинг бирида тўтиқуш канарейка каби ёввойи қушлар ва шимпанзе ортиб бораётган юк машинаси авariяга учраб, тўнтарилиб кетди.

Қафасларнинг бир қисми авария чоғида синиб кетиб, қушлар озодликка чиқдилар. Шошилиб қолган ҳайдовчи нима қилишини билмай турганда ҳалиги маймун синиқ қафасдан чиқиб, аввалига тўхтовсиз ўтиб турган машиналарни худди давлат автомобиль назоратчисидек «усталик» билан тўхтатиб қўйди-да, кейин қушларни бутун қолган қафасларга жойлашга тушди.

ТУРТ ЁШЛИ... УҒРИ

ВОРКУТАДАГИ «Лакомка» қаҳвахонаси ходимлари бу қизалоқнинг ҳар куни келиб, столлардаги қолган-қутган ширинликларни еб юришига кўникиб қолган эдилар.

БИР куни ходимлардан бирининг сумкаси йўқолиб қолди. Қарашса, ҳалиги қиз ҳам ғойиб бўлибди. Унинг уйига боришга тўғри келди. Онаси ҳанг-манг бўлиб турганда кроват остига яширинган қизча кўзида шашқатор ёш билан сумкани ичидаги 100 минг сўмдан кўпроқ пули билан эгасига қайтарди. «Ўғригина» қизалоқ эндигина тўрт ёшга кирган эди.

ШАНБАДАН ЖУМАГАЧА

Андижонда вилоят банк ходимлари танлови ўтказилди. Унда акционерлик-тиҳорат банклари вакилларидан тузилган ўнта команда иштирок этди Танлов иштирокчилари республикамизнинг молиявий фаолиятига оид қонунларига алоқадор 500 дан ошиқ саволга жавоб бердилар, замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб юритиш бўйича асосий меъёр ва номзодлар хусусидаги билимлардан имтиҳон топширдилар.

Сурхондарё вилоят касаба уюшмасининг кенгаши «Сурхондарё — истиқлол йўлидан» деб номланган кўчма кўргазма ташкил этди.

Унда вилоятнинг ўтмиш тарихи, халқ амалий санъати намуналари, халқ хўжалик тараққиёти, фан, маданият, соғлиқни сақлаш каби кўпгина соҳаларда эришилган ютуқлар намойиш қилинди.

Нукусда миллий мусиқани тарғиб этиш маркази иш бошлади. Унинг мақсади-миллий мусиқа маданиятини оммага етказиш, бастакор, санъатшунос, драматург, бахши-жиров, қиссахонлар билан учрашувлар ўтказиш, мусиқа меросини ўрганиш.

Тошкент давлат доришунослик институтида бир гуруҳ қаламкашлар билан учрашув бўлиб ўтди. «Камалак» нашриётининг бош муҳаррири шоир Нормурод Нарзуллаев, «Сирли олам» ва «Қалб кўзи» нашрларининг муҳаррири фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов, йирик фольклоршунос олим профессор Малик Муродов институт жамоаси ҳузурига ташриф буюриб, ўз ижодий режалари ва келгуси ниятлари билан ўртоқлашдилар. Мезбонлар ҳам қаламкашлар ижодидан намуналар ўқиб, ўз дил изҳорларини баён этдилар.

Янги йилдан Наманган мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳиссадорлик жамиятига ўтди. Очиқ типдаги бундай жамиятнинг таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти бўлди. Шаҳардаги фабрика ва унинг 5 та цехи 650000 сўмга баҳоланди. Ёки ёғочни қайта ишлаш заводи билан бирлашма мулки умумий 4,5 миллион сўм этиб белгиланди.

ОЙДИНДА ОҚ ҚИЙГАН — ҚУЛАНКАДА КУК КИЯР

Бу мақол — ота-боболарнинг душман билан қандай жанг қилиш, қандай ҳарбий усул (тактика), ҳийла-найранг ишлатиш лозимлиги юзасидан жангчиларга маслаҳат бериб, насиҳат қилиб айтилган. Вариантлари: «Орқасиз эр саф ёролмас»; «Олишган ёвга орқангни кўрсатма»; «Эгри от, тўғри тегиз»; «Ётиб-ётиб, ёнбошига от»; «Ҳийласиз ботир ўзини ёвга олдирар».

ИШҚИ БОРНИНГ — РАШКИ БОР

Вариантлари: «Ишқ билан рашк — эгизак»; «Аччиғи йўқ қалампир бўлмас, рашки йўқ хотин бўлмас»; «Севгининг рашксиз бўлиши — гулнинг тикансиз бўлиши билан баробар»; «Рашкнинг ўртоғи — шубҳа»; «Рашкнинг кўзи кўр» («Рашк қилувчи одам ўз тахминига, ўз шубҳасига шу қадар ишонган бўладики, ҳатто у айни ҳақиқат айтилса ё исбот қилинса ҳам, тан олгиси келмайди», дейилмоқчи); «Ишқи борнинг — имони бор» (имон бирор нарсага қатъий, бутун вужуди билан ишониш. Ёрига чинакам ишқи бор бўлган одам унинг садоқати-ю, вафодорлигига қатъий ишонади», дейилмоқчи). Умуман, юқоридаги мақолларни эрининг рашк қилишидан ҳафа бўладиган, нолийдиган ёхуд хотинининг рашк қилишидан ҳафа бўладиган, нолийдиган эрга: «Қўйинг, ҳафа бўлманг, ҳамонки рашк қиларканми, демак сизни севаркан. Ишқ деганнинг ўзи шунақа — рашксиз бўлмайди», деган маънода тасалли берганларида қўллайдилар. Шунингдек, «Эрдан ё хотиндан худа-беҳудага рашк қилиш — яхши эмас. Ишқ қўйгандан кейин унинг садоқатига, вафодорлигига ишониш ҳам керак», деб насиҳат қиладилар.

ҲАДИСЛАР

Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир.

Ҳар бир ишнинг салбий томонларини ҳисобга олиш айни эҳтиёткорликдир.

Мулойимлик — ҳикматнинг боши.

Дейл КАРНЕГИ: ЭГИЛГАН БОШНИ ҚИЛИЧ КЕСМАЙДИ

УНУТМАНГ: жанжалу муштлашишдан ҳеч қачон бирор маъни чиқмаган, чиқмайди ҳам. Ҳатто ҳақ бўлсангиз ҳам ён босишга одатланинг. Ана шунда рақибларингиз эмас, дўстларингиз сафи яна бир кишига кўпайса ажабмас.

УЙИМ Нью-Йоркдаги «ўрмон-боғ»нинг ёнгинасида. Шу боғда Рекс лақабли итимни вақти-вақти билан сайр қилдираман. Кичкинагина, безарар ит. Боғ ҳам кўпинча одамлардан холи бўлади. Шу боис Рексни эркин қўяман, тумшуғига симтўр ҳам тутмайман.

Бир куни иккимиз отлиқ миршабга дуч келиб қолдик.

— Нега итингизни бўш қўйдингиз? — деди у дарғазаб бўлиб. — Тумшуғида симтўр ҳам йўқ. Нима қонунни билмайсизми?

— Биламан, — дедим юмшоқкина қилиб, — аммо итимнинг бирор нарсага зарари тегиши мумкинлигини ўйламабман.

— Қонун олдида ҳар қандай баҳонаю сабаб бир пул. Ахир итингиз олмахонни ғажиб қўйиши ёки бирор болакайни тишлаб олиши мумкин-ку! Яна шу ҳол такрорланса арзу-додингизни судьяга айтасиз.

— Минбад қайтарилмайди, — дедим итоаткорлик билан.

Шундан сўнг маълум муддат қонунни бузмадим. Аммо Рекс аркону симтўрни ҳечам ёқтирмасди. Унга раҳмим келиб, яна қонунни буза бошладик. Ва, табиийки, бир куни тағин тўриқ от устида мағрур ўтирган «ҳазрати қонун»га дуч келдик. Ўзингиз биласиз, миршаблар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ундан олдин «отни қамчиламасам» ишим чатоқ.

— Зобит жаноблари, сиз мени жиноят устида қўлга туширдингиз, — дедим айбимни тан олиб — Ҳеч қандай сабаб билан ўзимни оқлай олмайман. Ўтган сафар огоҳлантирган эдингиз, энди жазога тайёрман.

— Ҳечқиси йўқ, — деди миршаб юмшаб. — Кичкинагина кучукчанинг бу кимсасиз боғда тўрт тарафга югуриб, қандай роҳатланаётганини мен ҳам ҳис қила оламан.

— Тўғрику-я, лекин қонун...

— Қўйсангизчи, бу шу қадар жиддий эътибор берадиган нарса эмас. Анави тепаликнинг нариёғида, менинг кўзим тушмайдиган томонида бемалол сайр қилдираверинг.

Миршаб шундай дея мен билан дўстларча илиқ хайрлашди. Аммо аввалги сафаргидек, турли баҳоналарни қалаштириб, ўзимни оқлашга киришганимда нима бўларди? Мен унинг мутлақо ҳақ эканлигини, ўзимнинг бутунлай ноҳаклигимни эътироф этиб, унга ёнбосдим, у эса-менга.

Тўғри-да, бошқаларнинг бизни ёмонлашларини кутиб ўтирмай, шанимизни ўйлаб, ўзимизни ўзимиз танқид қилиб қўя қолганимиз маъқул эмасми? Қаранг, мени судга беришга тайёр турган миршаб, бу сафар боғда Рекс иккимиз бемалол сайр қилишимизга рухсат берди. Ҳа, эгилган бошни қилич кесмайди.

БИР ШИНГИЛ ЛАТИФА

Бир мужик ўлиб қолибди. Уни кўмгани олиб бораётганлар шу қадар маст эканки, жасадни далага ташлаб қайтишибди. Далада ишлаётган тракторчи (у ҳам роса отиб олган экан) уни бостириб кетибди ва қўрқа-писа, мурдани қўлга улоқтирибди. Қўлда динамитни портлатиш «усули»да балиқ овлашаётган маст мужиклар, сув юзида қалқиб юрган жасадни кўриб, юраклари така-пука бўлибди-да, чегарадаги чангалзорга оборib, симёғочга суяб қўйибди. Ғира-ширада пайдо бўлишган чегарачилар олдин унга «Орқага қайт, бўлмаса отамиз!» деб бақиришибди ва ҳеч бўлмагач, автоматлардан ўқ узишибди. Кейин, гап нимадалигини тушиниб, тезда касалхонага элтишибди.

Бир соатдан сўнг операция хонасидан чиққан жарроҳ, юзидаги терларини арта-арта дебди:

— Хавотир бўлманглар, бемор тезда оёққа туради!..

Республика Гидрометеорология маркази хабар қилади:

Ҳафтанинг боши ва охирида республикамиз ҳудудларида ёғингарчилик бўлмайди. Ҳафтанинг ўрталарида эса ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиб ўтади. Баъзи жойларда туман тушади. Ҳафтанинг биринчи ярмида республикамизнинг катта қисмига ҳаво нисбатан илиқроқ келади. Кечалари ҳарорат кўтарилиб, -3+2 даража, кундузлари +6+11 даражагача илиқ бўлади. Республикамизнинг жанубий вилоятларида эса кечаси 1-6, кундузи 9-14 даражагача ҳаво илийди.

Кейинчалик ҳарорат яна бироз пасаяди. Кечаси 3-8 даражагача совуқ, кундузи -1+4 даража илиқ ўртасида бўлади. Жанубий вилоятларда эса кечаси 1-6 даражагача совуқ, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади. Шимолий ҳудудларда ҳафта давомида ҳарорат кечаси -4-9 даража билан -8-13 даража ўртасида, кундузи -3+2 даража билан -1-6 даража ўртасида ўзгариб туради.

МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?

ВАЗИРГА АЙЛАНГАН «ҚИРОЛ»

Футбол «қироли» Пеленинг вазир бўлиб ишлаётгани миш-миш эмасми?

К. Отабоев, Б. Шарипов, Л. Мамаюсупов, Самарқанд вилояти.

Рост. У спорт ишлари бўйича фавқулодда вазир (Бразилия) этиб тайинланган. Унинг мақсади — мамлакатда оммавий спортни янада жадал ривожлантириш, болалар жисмоний тарбия мактаблари ва интернатлари сонини кўпайтириш. Пеле, шунингдек миллий олимпиада турнирларини қайта тиклашни ҳам режалаштирган.

Дарахтлар оқ либосда хаёл суриб турибди.

Ш. ИБРОҲИМОВ фото-лавҳаси.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — О. Раҳимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0021 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6